

“ЛИСОН УТ-ТАЙР”ДА НАЗИРАВИЙЛИК ВА ТАРЖИМАВИЙЛИК СИНТЕЗИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10333329>

Султонмурод ОЛИМ,

филология фанлари доктори, Тошкент амалий фанлар университети
профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Тошкент,
Ўзбекистон.

Тел: +998-99-514-43-74. E-mail: smo54@mail.ru

Аннотация. Мақолада буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг “Фоний” тахаллуси билан ёзилган “Лисон ут-тайр” достони назиравийлик ва таржимавийлик синтези сифатида таҳлил этилади. Адабиётшуносликда “назира” ва “таржима” сўзлари борлигидан фойдаланган ҳолда “назиравийлик” ва “таржимавийлик” деган истилоҳлар илк бор илмий муомалага киритилади. Шу тариқа Навоийнинг “Хамса”си таркибидаги беш маснавий “назира” бўлса, бу дostonнинг “таржима-назира” экани исботланади.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, дoston, “Лисон ут-тайр”, “Хамса”, назира, таржима, назиравийлик, таржимавийлик, таржима-назира.

Аннотация. В докладе анализируется поэма, написанная псевдонимом “Фани”, “Язык птиц” (“Лисан ут-тайр”) великого узбекского поэта и мыслителя Алишера Навои как синтез подражательства и переводчества. Исходя из существования в литературоведении слов “подражание” и “перевод” впервые употребляются новые научные термины “подражательство” и “переводчество”. Таким образом доказывается то, что если поэмы, находящиеся в составе “Пятерицы” (“Хамсы”) Навои являются подражанием, тогда “Язык птиц” является переводом-подражанием.

Ключевые слова: Алишер Навои (Фани), поэма, “Язык птиц”, “Пятерица”, подражание, перевод, подражательство, переводчество, перевод-подражание.

Abstract. The report analyzes the poem written under the pseudonym “Fani”, “The Language of Birds” (“Lisan ut-tair”) by the great Uzbek poet and thinker Alisher Navoi as a synthesis of imitation and translation. Based on the existence of the words “imitation” and “translation” in literary studies, new scientific terms “imitation” and “translation” are used for the first time. Thus, it is proven that if

the poems that are part of the “Five” (“Khamisa”) of Navoi are an imitation, then “The Language of Birds” is an imitation translation.

Key words: *Alisher Navoi (Fani), poem, “The Language of Birds”, “Five”, imitation, translation, imitation, translation, translation-imitation.*

Тасаввуфда уч нарса шарт қилиб қўйилади: 1) истеъдод; 2) пир; 3) тавфиқ [1, 542]. 3-шартнинг изоҳи шуки, пирнинг нияти билан муриднинг нияти ўртасида кучли мувофиқлик бўлиши – зарур. Яъни пир ҳам сидқидилдан муридига бор билим ва қобилиятини юктириши, мурид ҳам пирдан камоли ихлос билан бу билим ва қобилиятни олишга интилиши – керак. Шунинг ҳисобга олсак, биз Фаридиддин Атторнинг Фонийнинг мазкур достонига асос, яъни доминанта бўлган “Мантиқ ут-тайр” (“МТ”) билан “Лисон ут-тайр” (“ЛТ”) ўртасида қарама-қаршилик эмас, аксинча, яқинлик излашимиз лозим.

Буни “ЛТ”да муаллифнинг ўзи алоҳида таъкидлаган. Достоннинг “Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулига еткони” деб номланган 169-бобида шоир Аттор достони моҳиятига нақадар содиқ қолганини шундай баён этади:

*Мен деб истиғфор қилдим, ё Илоҳ,
 Айтмас сўздин санга қилдим паноҳ.
 Ўз қошимдин солмадим бу навъ тарҳ,
 Айладим Аттор асрорини шарҳ.
 Офатимни нуктадин сен асрагил,
 Кимга пайравмен – назора айлагил.
 Мен галат қилсам, анга йўқтур галат, –
 Ким камол авроқиға кўп сурди хат.
 Сўзда табъим гар галатқа қилди майл,
 Ҳодийи комил сўзига қил туфайл.
 Сендин айтиб, мен анга пайрав бўлуб,
 Афв қил журмум, ўзунг узрум қўлуб [2, 271].*

Бу – достондаги халафнинг салафга муносабатини аниқлаштириб олиш учун ўта муҳим бир парча ҳисобланади. Шоир “ЛТ”ни битаётганда ўзидан янгилик қўшмагани, балки Аттор сирларинигина шарҳлаганини қайд этипти. Аллоҳ таолога мурожаат орқали ундан кимга пайравлик қилаётганига эътибор қаратишини сўраяпти. “Мен хато қилсам ҳам, Аттор хато қилмайди, чунки у юксак камолот эгаси эди”, – деяпти. “Мабодо, мендан хато топсанг ҳам, уни ўша комил йўлбошчи, яъни Аттор туфайли юз берган, деб ҳисобла”, – дея илтижо айляпти. Шоир Худо ва унга етиш йўлини таърифлашда Атторга

пайравлик қилганини алоҳида таъкидлаяпти. Навоийнинг “Хамса”даги дostonларида халафнинг салаф ва унинг асарига бу қадар садоқатини кўрмаймиз.

“ЛТ” сирларини кашф этиш амалда “МТ” сирларини билиб олиш сари ташланган қадам ҳам эканини унутмаслигимиз – керак. Шоирнинг ўзи бу маснавийида шундай имкон борлигини қайд этиб кетган. Е. Э. Бертельс Навоийнинг тенг ҳуқуқли оҳорий ижодкор эканини илман исботлаб кўрсатиш учун “ЛТ”ни танлаб, айнан салафига энг яқин тарзда яратилган дoston орқали фикрини исботлашни ният қилган. Бироқ бундан қарийб бир аср илгари ёзилган мазкур тадқиқотда олимнинг мақсади кўпроқ Аттор ва Фоний асарлари ўртасидаги тафовутларни бўрттириб кўрсатишдан иборат бўлиб қолган эди. Адабиётшуносликнинг эндиги вазифаси эса – бу буюк қалам соҳиблари дostonлари ўртасидаги ялпи вобасталикни очишдан иборат. Ана шунда “ЛТ”да форсий-туркий адабиёт, шу асосда эса форсий-туркий тамаддун синтезини бир ялпи ҳодиса сифатида тўлиқ кўра оламиз.

“Девони Фоний”да шоир қайси ғазалини кимнинг асарига назира қилиб битганини “*Татаббуъи Махдум дар таври Хоҷа*” [3, 304], “*Татаббуъи Мир дар таври Хоҷа*” [3, 444; 470], “*Татаббуъи Шайх дар таври Махдум*” [4, 36], “*Дар ҳамон тавр*” [4, 104], “*Дар ҳамон услуб*” [4, 105] тарзида аниқ-тиник билдириб кетади.

Адабиётшунослигимизда “назира” деган атама – бор. Унинг “*жавобия*”, “*ўхшатма*”, “*татаббуъ*”, “*пайрав*”, “*тавр*” каби маънодошлари ҳам фаол қўлланади, “Девони Фоний”да “*Дар ҳамон тавр*” [4, 104], “*Дар ҳамон услуб*” [4, 106] деган қайд-сарлавҳалар “*Татаббуъи Махдум*” [4, 102] деган қайд-сарлавҳадан кейин келгани учун бу икки ғазални ҳам, *Махдум (Жомий) ғазалига татаббуъ*, деб тушунамиз. Илмимизда баъзан “назира” (“*жавобия*”, “*ўхшатма*”, “*татаббуъ*”, “*пайрав*”) истилоҳлари англаган ҳодисани нотўғри талқин этиш ҳолларига ҳам дуч келамиз. Бунга бир мисол бор. Мирзобек яратган:

Кўзунг не бало қаро бўлуптур, –

Ким жонга қаро бало бўлуптур, –

матлаъси Навоий замонида аҳли адаб орасида машҳур бўлиб кетади. Бироқ уни битган шоир ёш вафот этади. Ғазал чала қолади. Йиллар ўтганидан кейин Навоий шу бошланма байт асосида ғазал битади. У “*Ғаройиб ус-сиғар*” девонига 161-рақам билан киритилган [қаранг: 5, 145]. Баъзи адабиётшуносларимиз ана шуни ҳам “*татаббуъ*” ҳисоблашади, бу – мутлақо хато. Бошланган, лекин чала қолган асарнинг иккинчи бир ижодкор томонидан охирига етказилиши – бошқа, тайёр асарга 2-қалам соҳибининг

жавоб ёзиши эса – бошқа адабий ҳодиса. Шунингдек, “сайёр сюжет” деган истилоҳ ҳам – мавжуд. Баъзан айна икки тушунча гўё ўзаро маънодош каби ишлатилаверади. Бу – хато. Чунки “сайёр сюжет” тушунчаси билан “назира” атамасини аралаштириб юбормаслик – керак. Булар, ҳар қанча бир-бирига яқин тушунчалар бўлгани билан, ўртасида жуда нозик фарқлар ҳам – бор. Ғ. Алиевнинг ёзишича, XIII – XX асрлар мобайнида, асосан, форсий ва туркийда, шунингдек, урду, пуштун, курд, арман ва бошқа тилларда Низомий достонлари мавзулари ва сюжетлари асосида нақд 600 асар битилган [Қаранг: 6]! Айна “Хусрав ва Ширин” мавзуси ва сюжети асосида ҳам кўплаб асарлар яратилган, албатта. Уларнинг ҳаммасини, *Низомий достонига назира*, деб ҳисоблайвериш – мутлақо хато. Юқорида кўрганимиздек, Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”и билан Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”и, табиийки, бир сайёр сюжет асосида яратилган достонлар ҳисобланади. Аммо “Фарҳод ва Ширин” айна “Хусрав ва Ширин”га назира эмас. Навоий достони Хусрав Дехлавийнинг “Ширин ва Хусрав”ига назира тарзида битилган. Албатта, Хусрав Дехлавийнинг “Ширин ва Хусрав”и Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин”ига назира. Демак, Навоийнинг достони, ўртада Дехлавий достони тургани учун, Низомий достонига билвосита татаббуъ, холос. Бироқ, ялпи олганда, “Хамса” аънаси бевосита Низомийдан бошланади. Ўзбек адабиётининг кўп асрлик тарихини ҳам озарбойжонлик бу буюк шоир ижодининг кучли таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Унинг асарлари юртимизда аср-асрлар мобайнида аслиятда, яъни форсийда мутолаа қилиб келинган. Бу бебаҳо ижод намуналарининг кенг халқ оммасига етиб бориши учун уни туркийга, яъни ўзбекчага таржима қилиш ҳам давом этаверган. XIV асрдаёқ Қутб Хоразмий унинг “Хамса”сига кирган “Хусрав ва Ширин”ни туркийчалаштирди. У туркий достончиликдаги катта ҳодиса ҳисобланади. Чунки XI асрда Юсуф Хос Ҳожибнинг худди Фирдавсий “Шохнома”сига бир жавобдек битилган “Қутадғу билиг”идан бошланган туркий ёзма достончилик Навоий “Хамса”сигача бўлган жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Айтиш мумкинки, Низомий “Хамса”си ўзбек адабиёти учун Фирдавсий “Шохнома”сидан Навоий “Хамса”сигача бўлган саъй-ҳаракатлар даври учун ўзига хос бир кўприк вазифасини ўтади. Навоий “Фарҳод ва Ширин”да:

Деёлгайменки, кўп айлаб тазарруъ,

Буларга айлай олгаймен татаббуъ [7, 475], –

деб ёзади. “Буларга” деганда эса ўзидан олдин форсийда “Хамса” битган Низомий, Дехлавий ва Жомийни кўзда тутди. Гарчи Навоий “Хамса”сидаги ҳар бир достон, ўзи махсус қайд этганидек, алоҳида-алоҳида достонга назира

бўлса-да, бир сайёр сюжет асосида яратилгани учун шу уч “Хамса”даги дostonларга ё бевосита, ё билвосита татаббуъ ҳисобланади, албатта.

XIV аср иккинчи ярми ва XV аср бошларида яшаб, ижод этган Ҳайдар Хоразмий Низомий “Хамса”сидаги “Махзан ул-асрор”ни ўзбекчалаштиришга бел боғлаб, кўлига қалам тутди ва у ҳам, худди Қутб сингари, Низомийдан масаллиқ олиб, ош пиширганини очиқ айтади:

*Менки, пишурдум бу лазиз ошни,
 Шайх Низомийдин олиб чошни [8, 203].*

Хуллас, назиранинг бир қатъий талаби – бор, яъни у муайян бир асарга ўхшатма бўлиши – шарт, қандайдир бир сюжетдаги бир неча асарга эмас. Кўплар Навоий “Хамса”сини, *Низомий Ганжавий “Хамса”сига жавоб*, деб ҳисоблайди. Бу – жуда умумий тасаввур маҳсулидан бошқа нарса эмас. Юзаки қараганда – шундай, албатта. Чунки “хамса”чиликни Низомий бошлаб берган. Яъни Навоий ҳам худди Низомий “Хамса”сидаги тартиб асосида беш дoston битди. Бу асарлар табиати, сюжет чизиғи ҳам – ўша-ўша. Бироқ, аслида, Навоий фақат “Ҳайрат ул-аброр”нигина Низомий “Махзан ул-асрор”ига жавоб тарзида ёзди, холос. “Фарҳод ва Ширин” – Хусрав Дехлавийнинг “Ширин ва Хусрав”ига, “Лайли ва Мажнун” – Хожу Кирмонийнинг “Гавҳарнома”сига, “Сабъайи сайёр” – Ашраф Марағойининг “Ҳафт пайкар”ига, “Садди Искандарий” – Абдурахмон Жомийнинг “Хирадномайи Искандарий” дostonига назира. Буни Навоийнинг ўзи айтган: *“Бу тўрт девон (“Хазойин ул-маоний” девонлари – С.О.) овозасин чун рубъи маскунга еткурупмен, “Хамса” панжасига панжа урупмен. Аввалким, “Ҳайрат ул-аброр” боғида табъим гуллар очибдур, Шайх Низомий руҳи “Махзан ул-асрор”идин бошимга дурлар сочибдур. Яна чун “Фарҳод ва Ширин” шабистонига хаёлим юз тутубдур, Мир Хусрав (Дехлавий – С.О.) дами “Ширин ва Хусрав” ўтидин чарогимни ёрутубдур. Яна чун “Лайли ва Мажнун” водийсида шиқим пўя уруб, Хожу (Кирмоний – С.О.) ҳиммати “Гавҳарнома”сида нисоримга гавҳарлар еткуруптур. Яна чун “Сабъайи сайёра” расадин замирим боғлабдур, Ашраф (Марағой – С.О.) “Ҳафт пайкар”ининг етти ҳурвашин пешкашимга яроглабдур. Яна чун “Садди Искандарий” асосин хотирим муҳандиси солибдур, ҳазрати Махдум (Абдурахмон Жомий – С.О.) “Хираднома”сидин кўси ислоҳ ва имдод чолибдур” [9, 26].*

Бироқ ўзбек адабиётшунослигидаги Навоий “Хамса”си дostonларини қиёсий ўрганишга бағишланган тадқиқотларда муқоясалар кўпроқ қуйидаги чизиқ бўйича олиб борилган: “Ҳайрат ул-аброр” – Дехлавий дostonига; “Фарҳод ва Ширин” – Низомий дostonига; “Лайли ва Мажнун” – асосан, Низомий, қисман, Дехлавий ва Жомий дostonига; “Сабъайи сайёр” – Низомий,

Дехлавий дostonларига; “Садди Искандарий” – Низомий, Дехлавий ва Жомий дostonларига қиёсланган. Бундай тадқиқотлар олиб боришга ҳеч ким қарши эмас. Бир сюжет чизиғидаги бир вазнда битилган ҳар қандай 2 ёки бир неча асарни қиёсий ўрганиш, ҳатто, типологик таҳлил этиш – мумкин ва бу – жуда керак ҳам. Лекин бирламчи вазифа асарнинг айнан қайси дostonга назира қилинган бўлса, ўшанга қиёслашдан иборат бўлиши – лозим. Чунки илм учун шу – бирламчироқ, аҳамиятлироқ, эътиборлироқ.

Бироқ назиранинг ҳам тури – кўп. Бошқача айтганда, “ЛТ”нинг назиравийлик хусусияти унинг “Хамса”сига кирган дostonлардаги назиравийлик хусусиятидан кескин фарқ қилади.

“Фарҳод ва Ширин”да Навоий салафларини бирмунча танқид қилади. Мақсади – янги, уларникига кам ўхшаган, улардан кескин ва ёрқин ажралиб турадиган асар яратиш. Дostonнинг 9-бобида буни исботлайдиган далил – етарли. Шоир ўз олдига муайян, аниқ-тиниқ бир дастур қўяди: а) *бир уйга нақш солиш учун, аввало, унинг тарҳи (режаси, лойиҳаси) ҳам зебо (чиройли) бўлиши – керак;* б) *назми қулоққа хуш ёқишидан ташиқари, унинг афсонаси (воқеаси, сюжети) таъбга ўтирадиган бўлиши – лозим;* в) *бунинг учун аввал шу мавзудаги ўтмишида ёзилган асарларни ўрганиб чиқиш – зарур;* г) *шунда, шоядки, сўз айтувчиларнинг кўзи тушмаган тоза (янги) сўз топилса;* д) *чунки шундай нарсани ёзқи, тарҳинг тоза бўлсин, халқ уни беандоза (чексиз) майл билан (интилиб, қизиқиб) ўқисин:*

*Ани назм этқи, тарҳинг тоза бўлғай,
 Улусқа майли беандоза бўлғай [10, 44].*

Шоир шундай йўл тутилмаса, нима бўлиши мумкинлиги ҳақидаги саволга жавоб бериб кетишни ҳам унутмаган:

*Йўқ эрса назм қилгонни халойиқ,
 Мукаррар айламак сендин не лойиқ?
 Хуш эрмас эл сўнгинча раҳиш сурмак,
 Йўлеким, эл югурмиштур, югурмак.
 Биравким, бир чаманда сойир эрди,
 Нечаким, гул очилгон кўрди, терди.
 Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
 Бу бўстон саҳнида гул – кўп, чаман – кўп [10, 44].*

Бир тилдаги асарга иккинчи тилда жавоб қайтарилдими, бас, энди ундаги оҳорийлик даражаси, сўзсиз-шубҳасиз, ортади. Шу нуқтайи назардан, Навоий “Хамса”си туркийда битилганининг ўзи биланоқ Дехлавий “Хамса”сидан кўра оҳорийроқ, деган хулосага келиш учун тўла асос бўла олади.

Хуллас, “МТ” ва “ЛТ” қиёси бир йўла форсий-туркий шеърият вобасталигини кўрсатишга, шеърият равнақида тасаввуфнинг ўрнини ойдинлаштиришга, Аттор ва Фоний муносабатларини аниқлашга, адабиётлараро синтез қонуниятларини белгилашга, назираларнинг турларини аниқлаштиришга, назиравийлик ва таржимавийлик хусусиятларини муайянлаштиришга, “*таржима-назира*” деган форсий-туркий адабиётлараро ноёб ижодий ҳодисанинг ўзига хос жиҳатларини илман таҳлил этишга хизмат қилади.

Бир асар асосида ёзилган асарга нисбатан “*назира*” атамасини ишлатса, бўлаверар, эҳтимол. Масалан, Хусрав Деҳлавий “Хамса”сига кирган дostonлар Низомий Ганжавий “Хамса”сидаги дostonларга назира, албатта. Бироқ энди Жомий дostonларига ҳам Низомий, ҳам Деҳлавий дostonларига, Навоий дostonларига эса ҳам Низомий, ҳам Деҳлавий, ҳам Жомий дostonларига назира сифатида қараш – мумкин. Чунки буларда назирага назира ёзиш имкони ҳам – бор. Бу иккаласи бир хил жараён ёки айнан ўхшаш ҳодиса эмас. Илмда бир мавзу ва сюжетдаги бир асарга назира билан бир мавзу ва сюжетдаги икки ёки уч асарга назира ўртасида муайян фарқ борлиги кўрсатиб берилиши – лозим.

Навоийда ўзга тил масаласи ҳам ўртага тушади. Бир асарга ўша тилда назира айтиш – бошқа, бир асарга ўзга тилда назира айтиш – бутунлай бошқа масала.

Адабиётшунослик фанида “*таржима*” ва “*назира*” тушунчалари – аввалдан мавжуд. Шулар асосида диссертациямизда “*таржимавийлик*” ва “*назиравийлик*” ифодаларини биз илк бор қўллаяпмиз. Чунки шунга эҳтиёж – мавжуд. Илм ҳамиша янги-янги истилоҳларни олиб кириш орқали ривожланади. Биз фаслни номлашда ана шу янги атамаларни қўллашни маъкул топдик. Чунки, Навоий “Хамса”сидаги дostonлардан фарқли ўларок, “ЛТ”да назиравийлик хусусияти таржимавийлик хусусияти билан уйғунлашиб кетган. Буни шоирнинг дostonни “*таржима расми била*” [2, 295] ёзганини қайд этгани ҳам тўла тасдиқлайди. Ҳолбуки, шоир ўз “Хамса”си дostonларининг бирортаси ҳақида “*таржима*” атамасини ишлатмаган. Аксинча, кўриб ўтганимиздек, уларда имкон қадар оҳорийлик ҳақида сўз боради. Шу ва шунга ўхшаш эътирозларидан ҳам “Хамса”да халафнинг ўз салафлари билан кучли ижодий рақобатга киришгани маълум бўлади. Бу ҳам – билвосита “МТ” ва “ЛТ” ўртасидаги нозик ришталарни аниқлашга хизмат қиладиган бир чизги.

Навоий “Хамса”си яратилаётганда салаф билан халаф ўртасидаги муносабатлар устоз-шогирд муносабатларини эслатади. Жомий Навоийнинг

пири эди. Аммо, ҳатто, “Хирадномайи Искандарий” ва “Садди Искандарий” асарлари ўртасидаги муносабатларда ҳам пир-муридлик эмас, фақат устоз-шогирдлик боғланиши устунлик қилади. Чунки “Садди Искандарий” Жомий ва Навоий ўртасидаги пир-муридлик муносабатларини акс эттириш объекти эмас. “Хирадномайи Искандарий” ва “Садди Искандарий” ўртасида, асосан, адабий устоз-шогирдлик муносабатлари акс этган. Бироқ “МТ” ва “ЛТ” муаллифлари ўртасидаги муносабатлар фақат адабий доира билан чегараланмайди: бу ерда устоз-шогирдликдан ташқари, соф тасаввуфона пир-муридлик муносабатлари ҳам юзага чиқади. “ЛТ”да муаллиф ўзини Атторнинг содик муриди янглиғ тутди.

Бир тилдаги асарга иккинчи тилда жавоб қайтарилдими, бас, энди ундаги оҳорийлик даражаси, сўзсиз-шубҳасиз, ортади. Шу нуқтайи назардан, *Навоийнинг “Хамса”си – туркийда битилгани биланоқ Деҳлавий “Хамса”сидан кўра оҳорийроқ*, деган хулосага келиш учун тўла асос бўла олади. Бу хусусият – “ЛТ”га ҳам бирдай тегишли. Бироқ, шоир “Хамса”сидаги дostonлардан фарқли ўлароқ, бу асарда назиравийлик хусусияти таржимавийлик хусусияти билан уйғунлашиб кетгани учун ҳам шоир:

*Мунчаким назм ичра қилдим иштиғол,
 Хотиримдин чиқмас эрди бу хаёл, –
 Ким бу дафтарга бериб тавфиқ Ҳақ,*

Таржума расми била ёзсам варақ [2, 295], – дейди. “*Бу дафтар*” деганда эса Атторнинг “МТ”и кўзда тутилган, унга шоир қачондир келиб “*таржума расми била*” жавоб ёзишни бир умр ёдидан чиқармаган. Навоий ўз “Хамса”си дostonларида имкон қадар оҳорийлик ҳақида сўз юритади. Шу ва шунга ўхшаш эътирозларидан ҳам “Хамса”да халафнинг ўз салафлари билан кучли ижодий рақобатга киришгани маълум бўлади. Бу ҳам – билвосита “МТ” ва “ЛТ” ўртасидаги нозик ришталарни аниқлашга хизмат қиладиган бир чизги.

“ЛТ”нинг лиро-эпиклик даражаси – ҳатто, “Ҳайрат ул-аброр”даги лиро-эпиклик даражасидан ҳам юқори. Сабаби – 6-дostonида шоир бевосита ички, яъни бандаликка хос, инсоний, сўфиёна, тасаввуфона шахсий ҳис-туйғулари, нозик ва олий истак-муддаоларини барча маснавийларидагидан кўра кўпроқ, хўброқ ва очик-ошкорароқ тарзда ифодалаган. “*Шайх авсофию ўзининг анга пайравлигда иттисофи*” деб номланган 173-бобда муаллиф яна Атторнинг устозлик қилгани масаласига қайтади, *ёзу қиш Аттор дўконидан шакар олмоқ ниятида юрар эдим, унинг муқаддас руҳи Ариш богидан келиб, худди сўзлай оладиган парранда каби қуш тили мушуқларини ечишда йўл кўрсатди, бу борада мени устодга айлантирди-ю, мен туркий тилда дoston битдим*, дейди у. Кейинги – 174-боб “*Ўзининг Шайх руҳи мададидин анга татаббуъ*

қилгонга Қақнус тамсили” деб аталади. Унда, жумладан: “У – ота, мен – ўғил демоқчи эмасман, балки у – олий сифатли шоҳ-у, мен унга қул”, – дейди:

Мен демонким, ул отодур, мен – ўғул,

Ул – шаҳи олийсифот, мен банда – қул [2, 248].

Бир асарга ёзилган татаббуъга нисбатан “жавобия”, “назира”, “ўхшатма”, “найрав” атамаларини ишлатса, бўлаверар, эҳтимол. Масалан, Хусрав Дехлавий “Хамса”сига кирган дostonлар Низомий Ганжавий “Хамса”сидаги дostonларга назира, албатта. Бироқ умумий маънода Жомий дostonлари ҳам Низомий, ҳам Дехлавий дostonларига, Навоий дostonлари эса ҳам Низомий, ҳам Дехлавий, ҳам Жомий дostonларига жавобия. Бунда Жомий ва Навоий оҳорий асаргина эмас, жавобия асарга ҳам жавобия ёзган бўлиб чиқади. Бироқ бир муҳим нуқта – бор. Навоий “Хамса”сининг биринчи дostonигина оҳорий асарга, яъни Низомий “Хамса”сининг биринчи дostonига назира. Қолган тўрт дostonнинг бари назирага назира. Кўриниб турибдики, оҳорий асарга назира билан назирага назира битиш жараёни айнан бир хил кечмайди. Келажакда илмда бир мавзу ва сюжетдаги бир асарга назира билан бир мавзу ва сюжетдаги икки ёки уч асарга ёзилган назира ўртасида муаян фарқлар борлиги кўрсатиб берилиши – лозим. Навоийга келганда ўзга тил масаласи ҳам ўртага тушади. Бир асарга ўша тилда назира айтиш – бошқа масала, бир асарга ўзга тилда назира битиш – бутунлай бошқа масала.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES):

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 12. – Тошкент: Фан, 1996.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 18. – Тошкент: Фан, 2002.
4. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 19. – Тошкент: Фан, 2002.
5. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988.
6. Алиев Г. Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – Москва: Наука, 1985.
7. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. – Тошкент: Фан, 1991.
8. Ўзбек адабиёти. 5 жилдлик. 5 томлик. Т. 1. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1959.

9. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. – Тошкент: Фан, 2000.

10. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. – Тошкент: Фан, 1991.

